



## ОҚКАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

**Исматова Наргиза Камаритдиновна**  
тадқиқотчи

Мамлакатимиз тарихида таълим тизимиning ривожланиши узоқ тарихий жараён бўлиб, ёзувнинг пайдо бўлиши билан бу жараён янада жадаллашган. Қадимги тош битиклар, тери ва кейинчалик қоғозларга туширилган маълумотлар таълим тарихидан сўзловчи манба ҳисобланади. Археологик топилмалар, қўлёзмалар, ёзувларнинг мавжудлиги, савдо алоқалари мазкур ҳудудда таълимнинг мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Масалан, Қадимги тош битиклар, тери ва кейинчалик қоғозларга туширилган маълумотлар таълим тарихидан сўзловчи манба ҳисобланади. Археологик топилмалар, қўлёзмалар, Бехустун ёзувлари<sup>1</sup> ва бошқа ёзувларнинг мавжудлиги, савдо-алоқалари мазкур ҳудудда таълимнинг мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Хоразмдаги Жонбосқалъя ва Тупроққалъадан топилган зардуштийларнинг ибодатхонаси ҳақида иншоотларнинг ўртасида қўш деворлар билан қуршалган ва ичкарига айланма йўлаги бўлган тўғри бурчакли бино бўлган. Ибодатхона ёнида икки қават қилиб қурилган бинода 100 дан ортиқ хоналари бўлиб, улар чиройли нақшлар билан безатилган. Хоналардан 140 та терига ва ёғочга ёзилган турли мазмундаги ҳужжатлар ҳамда 138 та катта-кичик ҳайкалчалар топилган<sup>2</sup>. Бу эса ибодатхонага туташ биноларда таълим масканлари, ҳукуқ идоралари, маъмурий-хўжалик ишлари билан шуғилланадиган жойлар бўлганидан далолат беради. Қадимги Хоразмда ўғил болаларга ўқиш, ёзиш, ҳисоб-китоб ўргатилган. Шунингдек, улар география, зоология, ботаника, астрономия, муҳандислик, тиббиёт ва архитектура каби турли хил фанлар билан танишишлари керак эди<sup>3</sup>. Милоддан аввалги VI–IV асрларга келиб, 22 та ҳарфдан иборат бўлган оромий алифбеси Ўрта Шарқнинг идора қилиш, иш юритувчи ва маъмурий тили вазифасини бажарган<sup>4</sup>. Геродотнинг маълумот беришича беш ёшдан йигирма ёшгача бўлган болалар: от миниш, камонбозлик ва ростгўйликка ўргатилган. Шунингдек, зодагон оиласалар болаларига оромий ёзуви, ҳарбий санъат, карвон бошқариш, савдо-қилиш билан боғлиқ билимлар ўргатилган<sup>5</sup>. Грек тарихчиси Ксенофонтнинг ёзишича зодагонлар оиласининг ўғил фарзандлари 16 ёшга тўлгунларига қадар ўз хонадонларида отда юриш, ҳарбий аравани бошқариш, камонбозлик ва найза улоқтириш кабиларга ўргатилган. Бу дарсларда йигитларда ҳарбий кўникмалар билан бир қаторда ростгўйлик, ахлоқ, чидамлилик,

<sup>1</sup> Бехистун битиклари – Эроннинг Хамадон шахри якинидаги Бехистун коясига шох Доро I (эр.авв. 521–485) буйруғи билан битилган битиктошлардир. Ёзув матни қадимий форс, эlam (Жануби Ғарбий Эрон) ва Бобил (Ирок) тилларида, миҳхат билан ёзилган. Битик аҳаманийлар давлатидаги милоддан аввалги 522–519 йил воқеалари баёнидан иборат. XIX асрнинг 30–40-йилларида инглиз олими Г.К.Роулинсон матннинг каттагина қисмини ўқишига муваффақ бўлган.

<sup>2</sup> Сергей Толстов. Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2014, 380 бет.

<sup>3</sup> Ҳ.Ҳамидҷон. “Авесто”дан “Шоҳнома”га / Ҳ.Ҳомидий; Масъул муҳаррир Н.Комилов. –Т.: “Шарқ”, 2007. – 320 б. И.Хўжамуродов. “Авесто”да дәхқончилик маданияти. (Монография). Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. –Т.: “Навruz”, 2018. –260 бет. “Авесто”. Тарихий-адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси. –Т.: Шарқ, 2001.-Б.-90-111.

<sup>4</sup> Қаранг: Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –112 Б.13.

<sup>5</sup> Қаранг: Геродот. История. В девяти книгах. Пер. Г.А Стратановскош. Л., «Наука», 1972. 1.136: Литвинский Б.А., Пьянков И.В. Военное дело у народов Средней Азии VI-IV вв. до н.э. // «Вестник древней истории», 1966, № 3.



қатъият, тўғри қарор қабул қилиш, адолатпарварлик, жасорат каби фазилатлар тарбияланган<sup>6</sup>. Саводхонлик ўқиш-ёзиш, грамматика, математика ва астрономия савдогорлар, хунармандлар, балиқчилар ва тўқувчилар ичида ҳам кенг тарқалган<sup>7</sup>.

Милоддан аввалга VIII-VI асрларда Яхудийлар Ассурия қувғинларидан Эронга, мил.авв.V-III асрларда эса Самарқанд ва Бухорога кўчиб келадилар. Яхудий жамоалари билан бирга қадимги Месопотамиянинг маданияти ҳам кириб келади. Яхудийлар ибодатхоналари қошида мактаблар ташкил қилинган бўлиб, мактабда иврит тили ҳамда диний таълим ўргатилган. Марказий Осиёдан ўтган савдо йўлларида энг қимматбаҳо товар бу ёзув материалари ва китоблар бўлган. Бу эса ёзув материаллари ва китобларга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигини кўрсатади<sup>8</sup>. Александр Македонский Эронни босиб олгач, “Авесто”ни учдан икки қисмини ёқиб юборади<sup>9</sup>. Македонский тарих, математика, тиббиёт, астрономия ва бошқа фан соҳаларига оид матнларни юонон тилига таржима қилишни ҳам буюрганлигини таъкидлайди<sup>10</sup>. Грек-Бактрия маданиятини ривожланиши, мазкур ҳудудда таълим тизинининг ҳам ривожига таъсир кўрсатади.

Ўрта Осиёдаги давлатлар маънавий ва маърифий ҳаётига назар ташласак, бу ҳудудларда таълим тизими ҳам ўзига хос тарзда шаклланган. Бу ҳужжат оқиши кул ранг, ипак толалари аралаш “хитой” қофозига битилган. Матн тузишда муншаот<sup>11</sup> талабларига риоя қилинган. Ушбу фикрларни М.Исҳоқов “Унутилган подшоликдан хатлар” китобида Мактуб Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори Деваштичга унинг мингинчи қули Фатуфармдан битилганлигини ёзади<sup>12</sup>. Демак, бу маълумотдан VII–VIII асрларда қулларнинг ҳам саводи бўлиб, ўқиш ёзишни билган деган хуносага келишга асос бўлади. Қулларнинг саводхонлиги жамиятнинг маънавиятидан дарак беради. Язбердиев ўзининг “Қадимги Ўрта Осиёда китоб иши”га оид тадқиқотларида ҳар бир Суғдликнинг саводхонлиги юксак даражада бўлганлигини таъкидлайди<sup>13</sup>. Сўғд ёзуви иш юритишида, савдо ва маданий алоқаларда катта аҳамиятга эга бўлиб, қадимги уйғур, мўғул ва манжурлар ёзувлари пайдо бўлишига асос бўлган<sup>14</sup>. Кўхна Чоч тангларини ўрганилганида III-IV аср бошларига тааллуқли экани ва маҳаллий Қанғ зарбонасида босилган<sup>15</sup> деб айтилади. Ҳар бир зарбонада хат-саводи бўлган одамлар ишлаган. Тангаларнинг муомалада бўлиши эса, ерлик ахолининг молиявий саводхонлигидан дарак беради. Мазкур жараённинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, қадимги Чочда хунармандларнинг ҳам хат-саводи бўлган.

<sup>6</sup> Қаранг: Геродот. История. В девяти книгах. Пер. Г.А.Стратановскош. –Л., «Наука», 1972. 1.137.

<sup>7</sup> Ўша жой.

<sup>8</sup> Қаранг: Э.Юзликаева, С.Мадьярова, Э.Янбарисова, И.Морхова Теория и практика общей педагогики. –Т.: ТГПУ. 2012. –Б. 380.

<sup>9</sup> Қаранг: Махмудов Т., “Авесто” ҳакида. –Т., «Шарқ», 2000. Ахундженов Э.А. «Принципы и хронология кодификации Авесто» Общественные науки в Узбекистане № 1 2002 г. Бойс М. Зороастрийцы: Верования и обычаи. –М., 1988.

<sup>10</sup> Ҳомидий Ҳ. “Авесто”дан “Шоҳнома”га / Ҳ.Ҳомидий; Масъул мухаррир Н.Комилов. –Т.: “Шарқ”, 2007. –320 б. И.Хўжамуродов “Авесто”да дехқончилик маданияти. (Монография). Кайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. –Т.: “Навruz”, 2018. –260 б. “Авесто”. Тарихий-адабий ёдгорлик. А.Махкам таржимаси. –Т.: Шарқ, 2001. -Б.-90-111.

<sup>11</sup> Ш.Закиров: Муншоат жанари тарихидан. “Мажлиси уламо” – ўрта аср шарқининг йирик илмий маркази. Конференция материаллари. –Т.: ТДШИ. 2006. –Б. 31-33.

<sup>12</sup> М.Исҳоқов. Унутилган подшоликдан хатлар. –Т.: Фан, 1992. –Б. 5.

<sup>13</sup> Язбердиев, Алмаз Бердиевич (1939 г.). Книжное дело в древней Средней Азии: (доисламский период) / А. Язбердиев; отв. ред. В. М. Массон; Акад. наук Туркменистана, Центральная науч. б-ка. –Ашгабад : Ылым, 1995. - 323, [1] с.

<sup>14</sup> Сагдулаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –112.

<sup>15</sup> М.Е.Массон, Ахангаран. Археолого-типографический очерк. –Т.: 1953, 24-6.



Мамлакатимиз худудида яшаган халқлар тангричилик, зардустийлик, буддавийлик, монавийлик, христианлик ва бошқа динларга эътиқод қилишган<sup>16</sup>. Бу эса, ҳар бир динларнинг ибодатхоналарида маҳсус мактаблар бўлиб, таълим олувчиларга асосан диннинг асослари ўргатилган, хат-саводи чиқарилган. Буддавийлик таълимоти билан боғлиқ анъаналар ўрганилганида, ҳар бир ибодатхонада роҳиблар тайёрлайдиган таълим муассасалари бўлган. Ушбу фикрларни ривожлантирган ҳолда буддавий ўқув масканлари виҳаралар бўлган. Виҳранинг илк намуналари Марказий Осиёдаги Кушон империяси даврига тааллуқли<sup>17</sup>. Ушбу қарашлар В.Бартольднинг Ўрта Осиё тарихига оид айрим муаммолар<sup>18</sup> ҳақидаги рисолаларида учрайди. Литвинский ва Зеймалларнинг Тожикистон худудида олиб борган тадқиқот ишларида ҳам буддавийликнинг виҳара масканлар архитектура жиҳатидан яқинлигини тасдиқлади<sup>19</sup>. Виҳарада асосий фан сифатида Даҳарма, яъний диний қонун-коидалар ва худонинг моҳияти ва иродаси (художўйлик) ҳақида таълим берилган.

Минтақамизда қадимги даврлардан бошлаб бошланғич мактаблар ва олий таълим берувчи ўқув даргоҳлари шаклланган. Кутайба ибн Муслим 714 йилда Бухородаги зардустийлар эҳроми ўрнида биринчи анъанавий мактабни бунёд этилган<sup>20</sup>. Наршаҳийнинг “Бухоро тарихи” асарида ҳам қўйидаги маълумотларни учратамиз: “Қутайба ибн Муслим тўқсон тўртинчи йили (7 октябрь 712 – 25 ноябрь 713) Бухоро хисорининг ичиди масжиди жоме бино қилди. У жой (илгари) бутхона эди<sup>21</sup>.”

Машхур сайёх, Истаҳрий (850-934 йилларда яшаган) хоразмликларнинг илмга ўчликларини ўзининг “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” (930-933 йилларда ёзилган) асарида “Ҳозир Бағдодда бирор олим ёки фақиҳ йўқки, унинг Хоразмлик шогирди бўлмасин” деб таъкидлайди<sup>22</sup>. Бу каби маълумотларни Европалик олимлар Г.Зутер ва Ю.Рускаларнинг ишларида ҳам кўриш мумкин<sup>23</sup>. Ренессанс жаҳаёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси (IX-XII ва XIV-XV асрларда) ташкил этилган илм даргоҳлари Европа реннесансини юзага келишига турки бўлди. Араблар томонидан масжидлар қошида мадраса<sup>24</sup>лар шаклланди. 1105 йилда халифа ал-Ҳаким даврида “Дар ал-Ҳикма” (“Билимлар уйи”) илм маркази барпо этилган бўлсада, бу

<sup>16</sup> М.Исхоков. Согдиский надпись на оттиске печати из еркургана. Общественные науки в Узбекистане. 1984, №3.; Каранг: Шониёзов Карим. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни./ таҳрир хайъати: Д.А.Алимова, Э.Х.Арифханова ва бошқа. –Т.: “Шарқ”, 2001. –464 б.

<sup>17</sup> Dutt S. Buddihst Monks and Monasteriesof Indiya: Their History and Their Contiribution to Indian Culture. London: George Allen & Unwin, 1962. –P. 211.

<sup>18</sup> Бартольд В.В. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии... –С 30.  
<sup>19</sup> Литвинский Б.А., Зеймаль Т.И. Аджина –Тепа –М.: Искусство 1971.

<sup>20</sup> Солижанова Г.Ф. Туркистанда ўқитиш-маърифадчилик ўчоқлари уларнинг ижтимоий аҳамияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих.фан.номз. дисс. ... –Т., 1998. –Б. 31.

<sup>21</sup> Абу Бақр Мұҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий Бухоро тарихи

<sup>22</sup> Les Cahiers de Sciences et Vie №114; The Book of roads and kingdoms by Istakhri. Al-Istakhri map of Tigris and Euphrates valley from Bagdad to Persian Gulf's coast. “Китаб ал-масалик ва-л-мамалик” // Казахстан. Национальная энциклопедия. –Алматы: 2005. –Т.: III.

<sup>23</sup> Зутер Г. История математических наук: С древнейших времен до конца XVI столетия. Ч. 1 Пер. с некот. изм. и доп. со 2-го нем. изд. Кишинев. Земская типография. 1876. –180 с.

Руска, Юлий "О древнейшей арабской алгебре и арифметике". Отчеты заседаний Гейдельбергской академии наук, философско-исторический класс, 1917 г., стр. 1-125.

<sup>24</sup> Мадраса (араб, дараса – ўрганмок) – мусулмонларнинг ўрта ва олий ўқув юрти. Уламолар ва мактабдорлар, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида давлат органлари хизматчиларини ҳам тайёрлайди. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Madrasa>.



мадрасаларни расмийлаштириш Али Тусий томонидан амалга оширлади<sup>25</sup>. Натижада ўқитувчи: мударрис ва ўқувчи: толиблар, ўқитувчининг ёрдамчиси: мустамлака каби тизим шаклланди. Шунингдек, мадрасаларнинг маъмурий тизими ҳам қарор топа бошлади. Мадрасаларда Қуръон, Ҳадис, усл ал-фиқҳ, қалом, арабия, адаб, математика кабилар ўқитилган. IX аср бошларида Балҳда 1848 та масжид, 400 та мадраса, 900 та мактаб бўлган<sup>26</sup>. Наршахийнинг маълумот бернишича Қутайба ибн Муслим Афшона қишлоғининг экин ерлари ва биёбонлари мадраса талабаларига вақф қилинганигини ёзади. Қутайба ибн Муслим у жойда масжиди жоме бино қилган. Муҳаммад ибн Восе ҳам бир масjid қурдирганигини айтади<sup>27</sup>. Бу эса Бухородаги мадрасалар таъминоти вақф мулки ҳисобидан амалга оширилганигини кўрсатади. Мадрасалар таъминоти пул, ғалла ва иккови аралаш ҳолда амалга оширилди<sup>28</sup>. Ҳар бир мадраса ҳузурида бошланғич мактаблар бўлган. Бошланғич таълимда 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ўқитилган. Мадрасада таълим олиш эса 12, 14 ёшдан бошланган<sup>29</sup>. Таълим аслида бепул бўлган. Шунингдек, низомия мадрасаларида талабаларга степенция берилган. Шарқ Уйғониши даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди<sup>30</sup>. Ануштагин хоразмшоҳлар даврида жами 4440 та, фақат Гурганжнинг ўзида 700 та мадраса бўлган<sup>31</sup>.

Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Хива мадрасаларининг таълим тизими бир-биридан фарқ қилган. Абу Нарс Фаробий биринчилардан бўлиб фанларни таснифлаган<sup>32</sup>. Жумладан; 1.Тил илми:синтаксис, грамматика, талаффуз ва нутқ кабилардир. 2.Мантиқ. 3.Фан соҳалари: арифметика, геометрия, оптика, стратегия, мусиқа, вазншунослик, дастгоҳшунослик (бирор бир ҳунарга йўналтирилган илм). 4.Физика ва метофизика. 5.Жамиятшунослик: Фиқҳ, риторика. Ибн Ҳалдун эса, фанларни икки гурухга бўлган. 1. Илмий табиий. 2. Илми нақлия. Мактаблардаги ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари, иқтидорлари ва ёш хусусиятларини инобатга олиб, икки йилдан беш йилгача таълим берилган<sup>33</sup>. Фиёсиддин Жамшид Кошийнинг ҳайрат билан Улуғбек от устида қуёшнинг

<sup>25</sup> The Cambridge History of Iran: The Saljuq and Mongol periods ... – P. 71., 215. Mirbabaev A.K., Zime P., Wang Furen. The Development of Education... – P. 37.

<sup>26</sup> Камалиддинов Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX– начала XIII века. – Т., 1996. – Б. 310.

<sup>27</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. –Б. 11. Ҳожа Муҳаммад Порсо. Фасл ал-хитоб. Манбалар хазинаси. Тошбосма – 92 №.Б.071.

<sup>28</sup> ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1995-иш, 3-варақ; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Т.: АН Уз ССР, 1958. –С. 8.

<sup>29</sup> Қаранг: Мең А. Мусульманский ренессанс. –М.: Наука, 1975.

Renterghem V.V. Controlling and Developing Baghdad: Caliphs, Sultans and the Balance of Power in the Abbasaid Capital (mid 5<sup>th</sup>/11<sup>th</sup> to late 6<sup>th</sup>/12<sup>th</sup> centuries) // The Seljuqs. Politics, Society and Culture. Ed. Ch. Lange, S. Mecit. Edinburgh University Press, 2011. -P.122

<sup>30</sup> Бобоҷонов Д, Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. –Хива, Хоразм Маъмун академияси нашриёти, 2008. Каримов И. Аждодларимизнинг илмий мероси абадиятга даҳлдор маънавий хазинадир. Самарқанд. 2014 йил.

<sup>31</sup> Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998.

<sup>32</sup> Sayyed Hossein Nasr. Science and civilization in Islam. Chicago, 2007. –P. 62.

<sup>33</sup> Таукелев А.Н. и Сапаргалиев Г.С. Государственно-правовые взгляды среднеазиатского ученого аль-Фараби. –Алма-ата: Наука, 1975. –С. 101; Курмангалиева Г.К. Философия аль-Фараби и современность // Вестник Центрально-азиатского университета, 2003. –№ 1. –С. 29–32; Курмангалиева Г.К. Религиозный фактор в формировании общенациональной идеи (из опыта стран мусульманского Востока) // Аль-Фараби. – № 4. 2003. –С. 53–60; Джалид А. Учение Абу Наср аль-Фараби о государстве: Автореф. дис.... канд. юрид.



баландлигини вақт бирлигидә ўлчаб, қүёшдан тушаётган нурнинг текистликка нисбатан оғиш бурчагини тригонометрик усулда ёддан ҳисоблаб чиқара олган<sup>34</sup>.

Улуғбек Мовароуннарх шаҳарларини, хусусан, Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳида айлантиришга интилади. Унинг фармони билан 1417 йилда Бухорода, 1417-1420 йилларда Самарқандда ва 1433 йилда Фиждувонда мадрасалар бино қилинади. Мирзо Улуғбек мадрасаларда таълим бериш учун ўқитувчиларни ўзи сұхбатдан ўтказар ва энг сараларини танлаб олган. Дарсларини ўзи мунтазам кузатиб борган<sup>35</sup>. Мирзо Улуғбек мадраса дастурларини ҳам такомиллаштирган. Таълим уч босқични ўз ичига олган. 1-қуий босқич “анд” деб аталған ва ўқиши муддати икки йилни ташкил қылған. 2-ўрта босқич “ауст” ёки “миена” деб аталған ўқиши муддати уч йил бўлған. 3-юқори босқич “аъло” ёки “пеш қадам” деб аталиб ўқиши давомийлиги уч йил бўлған, жами 8 йилни ташкил қылған. Маърузалар етмиш нафар талабадан иборат катта гурухларда, амалий дарсларда ўн-ўнбеш нафар талабалар иштирок этган. Бу услугуб кейинги асрларда ҳам сақланиб қолганини архив маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Бу тизим кейинги даврлардаги таълим тизими учун ҳам асос бўлиб қолган<sup>36</sup>. Улугбек мадрасаларида араб тили (фонетика, морофология, синтаксис), Қуръон Карим, риторика, Ҳадис, матник, тафсир, фикҳ, метофизика, математика (арифметика, алгебра), тиббиёт (гигиена), география, тарих, адабиёт каби фан соҳалари ўқитилган<sup>37</sup>.

Амир Темур даврида асос солинган бунёдкорлик ишлари XV-XVI асрларда ҳам давом этган. Е.Э.Бертельснинг маълумотларига кўра Алишер Навоий 1480-1500 йиллар мобайнида ўз маблағлари ҳисобидан бир неча мадраса, 40 работ (сафардаги йўловчилар тўхтаб ўтиш жойи), 17 та масжид, 10 та хонақоҳ, 9 та кўприк, 20 та ҳовуз, 9 та ҳаммом курдирган. Навоий энг иқтидорли талабаларга йилига 24 тилла танга<sup>38</sup> ва йилига беш қоп буғдой берган. Ўртача иқтидорли талабаларга эса 16 та тилла танга, 4 қоп буғдой, ўртачадан пастроқ талабаларга 12 тилла танга, 2 қоп буғдой берилган. Мадрасада дарслар берувчи мударрисларнинг ҳар бирига йилига 1200 тилла танга, 24 қоп буғдой ва арпа берилган<sup>39</sup>. Бу маблағларни Алишер Навоий ўзига тегишли бўлған қўчмас мулклардан тушган фойда ҳисобидан эканлигини қайд этади<sup>40</sup>. Мовароуннархда шаҳзодалар, хонзодалар, бекзодалар ва йирик амалдорламинг болалари учун сарой ва хонадонларда

наук. –Душанбе, 1962. –24 С.; Uzma Ansor Islamic education. A brief history of Madrassas with comments on Gurricula and current Pedagogical practice. 2003. Р. S.

<sup>34</sup> Юсупова Д.Ю. Письмо Гийас ад-Дина Коши в своему отцу в Кашиан. // Из истории науки эпохи Улугбека. –Т.: Фан, 1979. –С. 37-64.

<sup>35</sup> Джамшид Гиясиддин ал-Коши. Письмо об Улугбеке и самаркандской научной школе (Перевод с персидского Г.Собирова и Н.Бабаева) // Сабиров Г. Творческое сотрудничество ученых Средней Азии в Самаркандской научной школе Улугбека. –Душанбе: Ирфон, 1973.

<sup>36</sup> Каранг: Б.О.Тураев/ Мухаммад Тарагай Мирзо Улугбек (1394–1449). –Т.: “Наврӯз” нашриёти, 2018 й. –64 б. ЎзР МДА И-29-фонд 999, А иш. гурухларга бўлиб ўқитиш ҳақида.

<sup>37</sup>Педагогические взгляды Мирзы Улугбека [Текст] / М.Тахиров; Джизакский гос. пед. ин-т. –Т.: Фан, 1984. –73 с.

<sup>38</sup> Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии Москва-Ленинград: , 1948. Издательство академии наук СССР., С. 272; Бу нафақага ўша даврда 5 та семиз қўй олиш мумкин бўлған.

<sup>39</sup> Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии Москва-Ленинград: , 1948. Издательство академии наук СССР., С. 272; Абадият гулшани: мақолалар, шеърлар/ лойиха муаллифи Ў.Рахматов, тўплаб нашрға тайёрловчи М. Жонихонов. – Т.: “Шарқ”, 2013. –128 б. Ҳамидулла Болтабоев, Қатрада қўёш акси.

<sup>40</sup> “Маджалис ан-нафаис” (изд.А.А.Хикмета), –стр. XXI.



ташкил этилган савод мактаблари болалар 4-5 ёшларидан бошлаб ўқиш ва ёзишни подшо қиссаҳонларидан ўрганиб олганлар<sup>41</sup>.

Шайбонийхоннинг таълим соҳасидаги ислоҳотлари ҳам таҳсинга лойик бўлиб, кўп босқичли ўқитиши тизими жорий этилган. Мактабда икки йил ўқигач, ўқиш мадрасада давом эттирилган. Мадрасада уч босқичли таълим жорий этилиб, ҳар бир босқичда саккиз йилдан ўқилган. Ўқиш жараёни йигирма олти йил давом этган. Шайбонийхон билимли кишиларни жамиятнинг асосий таянчига айлантириш ҳаракатида бўлган. Фан бозорида ўша даврда юз берган турғунлик ҳолати янгидан тирила бошлади, билимга бўлган интилиш кучая бошлади” Хон ўз маблағи ҳисобига Самарқанд Регистонидаги Чорсуга яқин жойда хашаматли катта мадраса қурдирган<sup>42</sup>. Фазиллоҳ ибн Рӯзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида мадрасаларда уч босқичли таълим жорий этилиб, ҳар бир босқичда саккиз йилдан ўқилган. Ўқиш жараёни йигирма олти йил давом этганлиги ҳақида маълумотлар берилади<sup>43</sup>. Ўзбекистон Республикаси давлат Архиви маълумотлари юз нафар аъло баҳога ўқийдиган талабаларни тақдирлаш учун муфтининг амирга ёзган аризаси ҳақида маълумот беради<sup>44</sup>. Маҳмуд ибн Валининг “Олимларнинг кўплигидан, уни олимлар ва илм-фан булоғи деб атайдилар”, деб маълмуот беради.

Демак, ўзбек халқининг мактаб таълими тарихи қарийб уч минг йиллик тарихга эга деган хулосага келишимиз мумкин.

Зардуштийлик, буддавийлик, христианлик динларнинг ибодатхоналарида маҳсус мактаблар бўлиб, таълим олувчиларга диний таълим билан бир қаторда, саводхонлик, география, тарих, математика, астрономия, зоология ва жисмоний тарбиядан дарслар берилган. Минтақада маданий ҳаёт ва умумий саводхонлик юқори даражада тараққий топган.

Бугунги кунда Таълимнинг энг қадимги даврига ҳамда илк ўрта асрларга оид маълумотлар тарқоқ бўланлиги учун уларни тизимлаштириш мақсадга мувоғқидир. Таълим тарихи Энг қадимги даври милоддан аввалги биринчи минг йилликдан – милодий VIII асргacha бўлган давр, VIII-XIX асрнинг биринчи ярмigacha бўлган даврга, XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 1990 йилларига, таълимнинг кейинги даврини 1991-2021 йилга бўлиш мумкин.

Оқкан дарё окаверади. Лекин, айрим жойларда турли тўсикларга дуч келиши ёки сувсизланиб қолиши мумкин. Шу маънода бугунги кунда мамлакатимиз таълим соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Аждодларимиз Европа реннесансини вужудга келишига сабаб бўлган бўлса, бугун таълим-тарбияга берилаётган эътибор албатта бесамар кетмайди.

### **Манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Бартольд В.В. Сочинения. – Т. II (2). Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. – М.: Издательство Наука, 1964. – 657 с.

<sup>41</sup> Қаранг: Муҳаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати. /Тарихий очерк. Қомуслар бош таҳририяти. –Т.: 1994. –158 б.

<sup>42</sup> Бу ҳақда қаранг: Мукминова Р.Г К историн аграрных отношений в Узбекистане. XVI в. По материалам “Вакфнаме”. –Т.: Наука. 1966.

<sup>43</sup> Қаранг: Фазаллаҳ ибн Рузбехан Исфахани. Михман-наме-и Бухара (Записки бухарского гостя) Перевод Р.П. Джалилова. Под.ред. А.К.Арендса. –М.: наука. 1976.С.28. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии. XVI-XVIII вв. (письменные памятники). Ташкент: Фан, 1985. –264 с. Джураева Г.А. Мир-и Араб и политическая жизнь в Бухаре в XVI в. // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. –М., 1985.

<sup>44</sup> ЎзР МДА (“Кушбеги фонди” ) I-508-жамгарма-5, рўйхат-5777, йиғма жилд.



2. Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии Москва-Ленинград: Издательство академии наук СССР, 1948. – С. 272.
3. Бобожонов Д, Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. – Хива, Хоразм Маъмун ақадемияси нашриёти, 2008.
4. Мукминова Р.Г. К историн аграрных отношений в Узбекистане. XVI в. По материалам “Вакфнаме”. – Т.: Наука. 1966.
5. Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшохлар давлати (1097-1231). –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998.
6. Камалиддинов Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX– начала XIII века. – Т., 1996. – Б. 310.
7. Наршахий. Бухоро тарихи. –Б. 11. Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ал-хитоб. Манбалар хазинаси. Тошбосма – 92№.Б.071.
8. Педагогические взгляды Мирзы Улугбека [Текст] / М.Тахиров; Джизакский гос. пед. ин-т. –Т.: Фан, 1984. –73 с.